

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

1/2023

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University



**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMY AXBOROTI  
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY  
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**Ilmiy-nazariy jurnal**

**2023, № 1**

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.  
Elektron manzil: nashriyot\_buxdu@buxdu.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinnbosari:** Rasulov To'lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), dotsent

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M. Filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti SE. Iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V. Kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A. Texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E. Fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, Psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva M.K., filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Djurayev D.R., fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov B.B., kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor (Andijon davlat Pedagogika instituti rektori)

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori (O'zR FA tarix instituti yetakchi ilmiy xodimi)

Jo'rayev N.K., siyosiy fanlar doktori, professor

Qurbanova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

<b>MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS</b>		
<b>ANIQ VA TABIIY FANLAR *** EXACT AND NATURAL SCIENCES *** ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ</b>		
<b>Rasulov T.H., Dilmurodov E.B.,</b>	Kompakt qo‘zg‘alishli umumlashgan Fridrixs modelining ba’zi spektral xossalari	4
<b>Ismoilova D.E.</b>	Fermionli fok fazodagi uchinchi tartibli operatorli matritsaga mos kanal operator va uning spektri	9
<b>Jumaev J.J., Tursunova S.F., Ibragimova Sh.E.,</b>	Inverse coefficient problem for heat equation in the bounded domain	15
<b>Djurayev D.R., Turayev A.A., To`rayev O.G.</b>	Bi <sub>1.7</sub> Pb <sub>0.3</sub> Sr <sub>2</sub> Ca <sub>n</sub> Cu <sub>n-1</sub> O <sub>y</sub> vismut asosli kupratlarning olinish texnologiyasi	21
<b>Umarov Sh.A.</b>	Shifrlash algoritmlarida kriptobardoshli mantiqiy amallardan foydalanish usullari	25
<b>Ахмедов О.С.</b>	Свободные и вынужденные осесимметричные колебания систем вязкоупругих цилиндрических оболочек	30
<b>Исломов Б.И., Жураев Ф.М.</b>	Локальные краевые задачи для нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа, вырождающегося внутри области	34
<b>Амирорев С.Ф., Шаропов Ш.А., Сатторов Т.А.</b>	Дифференциал трансформатор датчиклар оддий ва маҳсус структурали ночилик магнит занжирларининг математик моделлари	43
<b>Турдиев X.X., Суяров Т.Р., Наврузова М.Н.</b>	Начально-краевая задача для системы интегро-дифференциальных гиперболических уравнений	50
<b>Tosheva N.A.</b>	Lower bound of the essential spectrum of a family of $3 \times 3$ operator matrices	57
<b>Akramova D.I.</b>	Estimates for convolution operators related to $A_\infty$ type singularities	63
<b>Jo‘raqulova F.M.</b>	Bozonli fok fazodagi operatorli matritsaga mos Faddeyev tenglamasi	72
<b>Rasulov T.H., Ne’matova Sh.B.</b>	Umumlashgan Fridrixs modeli kvadratik sonli tasvirining komponentlari	77
<b>Seytov Sh.J., Ochilova G.B.</b>	Баъзи даврий реакцияларнинг математик моделлари	82
<b>Sirliyeva F.A., Khudaybergenov K.K., Muminov Z.E.</b>	Fuzzy neural network and agent technologies in the structural-parametric modeling of technological systems	87
<b>Tosheva N. A., Qodirov S. O.</b>	Python dasturlash tili yordamida matritsa sonli tasvirini kompleks tekislikda tasvirlash algoritmi	93
<b>Хасанов И.И., Хасанов К.Х.</b>	Начально-краевая задача для адвекции - дисперсионного уравнения дробного порядка	100
<b>Husenov B. E.</b>	Poisson representation for $A(z)$ -harmonic functions belonging to some class	107
<b>TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ</b>		
<b>Nigmatova L. X.</b>	Lisoniy sistemaning pog‘onaviyligi va unda gipo-giperonimik munosabatlari	116
<b>Sadigova S.I.</b>	Phraseological combinations with ordinal numbers in English	123
<b>Abdulxayrov D.P.</b>	-Gan ekan shaklining mazmuniy ko‘rinishlari	127
<b>Xodjayeva D.I., Hoshimova G.M.</b>	Erkin Vohidov she’rlarida ritorik so‘roq gaplarning o‘ziga xos xususiyatlari	131

<b>Ismatullayeva I.I.</b>	Hozirgi zamon tilshunosligida konseptni o‘rganish metodlari, usullari va klassifikatsiyasi	135
<b>Mehmonova Y. Ch.</b>	Typology of collocations in combinatorial linguistics	139
<b>Nuniyazova Sh. U., Djumabaeva J.Sh.</b>	Comparative analysis in translation of English idioms and set expressions into Uzbek and Russian	144
<b>Rajabov E.E.</b>	O‘zbek va ingliz tillaridagi “oila” tushunchasi konceptual maydonining lingvokognitiv tahlili	148
<b>Ruziyeva N. X.</b>	Zamonaviy tilshunoslikda matn va diskurs talqini	153
<b>Xodjayeva D.I., Safarova M.H.</b>	Ingliz tilini o‘qitishda fonetik interferensiyaning o‘rnini	157
<b>Samandarov G.Y.</b>	Sodda gap ko‘rinishidagi “hasharot” lug‘aviy ma’no guruhlari asosida shakllangan paremalarning o‘ziga xos xususiyatlari	161
<b>Sayfullayev B.N.</b>	Noqardosh tillarda o’zlashtirmalik (o‘zbek va fransuz tillari misolida)	165
<b>To‘yboyeva Sh.R.</b>	Fransuz tilida sodda gap tarkibiy qismlarini tarjima qilishda yuzaga keladigan muammolar yechimi	170
<b>Абдурахманова М.У.</b>	“Кўрлик” касаллигининг ўзбек, рус, инглиз тилларидаги лингвистик-семантик тадқики	174
<b>Ахмедова М.Х.</b>	Ўқув жараёнига тааллуқли ноадабий сўзларнинг психолингвистик хусусиятлари	180
<b>Вахидова Ф.С.</b>	Дискурсда диний туризм ва зиёрат туризми терминларининг воқеъланиши	183
<b>Avezov S.S.</b>	A Corpus-based approach to phraseology research	189
<b>Kobilova A.B.</b>	Ingliz va o‘zbek tibbiy perifrazalarining semantiq mikromaydonidagi lingvokulturologik xosliklari	194
<b>Bobokalonov R.R., Narzulaeva D.B.</b>	Vocabulary of the Qur‘an in the object of theolinguistics	203
<b>Nazarova G.P.</b>	Muloqotda gender farq muammolari xususida	210
<b>Raxmatov A.P.</b>	Plusquamperfekt zamon shaklining grammatick ma’nolari va uning kontekstual tahlili (nemis tili misolida )	215
<b>Sayidova G.Y.</b>	Alisher Navoiy nazmiy asarlaridagi o‘xshatishlarning leksik-grammatick tabiatni	221
<b>Rasulov Z.I., Yuldasheva F.E.</b>	Xushmuomalalikning nutq odobida ifodalananishi	232
<b>Бозоров З.А.</b>	Речевая культура в качестве неотъемлемой части языковой культуры личности	240
<b>Мавлонова М.Д.</b>	Инглизча аҳборот технологиялари терминларининг ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида маъно торайиши ва кенгайиши ҳодисалари	245
<b>Шарипова А.А.</b>	Луғат корпусини яратиш технологияси	251
<b>Hayotova D.Z.</b>	Tushuncha va so‘z munosabati	255
<b>Mamatova D.M.</b>	Xitoy tilida ta’m bildiruvchi sifatlar tahlili	259
<b>Сафаров Ф.С.</b>	Маънодошлиқ каторидаги сўзлар орасидаги маъновий муносабат ҳақида	266
<b>Akhmedova D.B.</b>	Semantic comments in an explanatory dictionary and their processing as a semantic extension	272

### **ADABIYOTSHUNOSLIK \*\*\* LITERARY CRITICISM \*\*\* ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

<b>Темирова Дж. Х.</b>	Отражение национальной картины мира в русском и узбекском детском фольклоре	277
<b>Насруллаев Э.Ж.</b>	Алишер Навоий “Хикмат ва ибрат достони”нинг ғоявий таҳлили	284
<b>Шарипова Л.Ф.</b>	Шекспир ва Рауф Парфи сонетларида бадиий тасвир	288

## МАЊНОДОШЛИК ҚАТОРИДАГИ СЎЗЛАР ОРАСИДАГИ МАЊНОВИЙ МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

Сафаров Фируз Сулаймонович;  
Бухоро давлат университети докторанти (DSc)  
[f.s.safarov@buxdu.uz](mailto:f.s.safarov@buxdu.uz)

**Аннотация.** Мақолада мањнодошлик қаторидаги сўзлар орасидаги мањновий муносабатнинг табиати очиб берилган. Лексик мањнодошлик ҳодисаси ўзбек тилишунослика анча чуқур ўрганилган. Бироқ анъанавий тилишунослика ҳам систем тилишунослика ҳам мањнодошлик қаторидаги сўзлар орасидаги мањновий муносабат аниқ очиб берилмаган. Яъни иккала йўналишида ҳам мањнодошлик қаторидаги барча сўз (лексема) бир-бирига мањнодош деб қаралади. Мақолада аслида мањнодошлик қаторидаги барча сўз бир-бирига мањнодош эмас, балки мањнодошлик қуршовини ҳосил қилувчи ҳар бир сўз доминантага мањнодош эканлиги асослаб берилган. Лексик мањнодошликтинг тамойили сўзловчининг нутқий мақсаду вазифа талаби билан мањнодошлик қаторидаги доминантанинг ўрнига қуршовдаги бирор сўзни танлаб ишлатишидан иборат эканлиги кўрсатиб берилган.

**Калим сўзлар:** мањнодошлик, мањнодошлик қатори, денотатив мањно, коннотатив мањно, қўшимча бўёқ, доминанта, қуршов.

**Аннотация.** В статье раскрывается характер смысловой связи между словами в синонимическом ряду. Явление лексической синонимии глубоко изучено в узбекском языкоznании. Однако ни в традиционной лингвистике, ни в системной лингвистике семантическое отношение между словами синонимического ряда четко не выявлено. То есть в обоих направлениях все слова (лексемы) в синонимическом ряду считаются синонимами. В статье утверждается, что не все слова в смысловом ряду синонимичны друг другу, а каждое слово, образующее окружение, синонимично доминанте. Показано, что принцип лексической семантики заключается в том, что говорящий использует слово в контексте вместо доминанты в смысловом ряду в связи требованием речевой целью и задачей.

**Ключевые слова:** синонимия, синонимический ряд, денотативное значение, коннотативное значение, смысловой оттенок, доминанта, окружение.

**Abstract.** The article reveals the nature of the semantic connection between words in the synonymous series. The phenomenon of lexical synonymy has been deeply studied in Uzbek linguistics. However, neither in traditional linguistics, nor in system linguistics, the semantic relationship between the words of the synonymous series of the line has been clearly identified. That is, in both directions, all words (lexemes) in the synonymous series are considered synonyms. The article states that not all words in the semantic series are synonymous with each other, and each word that forms the environment is synonymous with the dominant. It is shown that the principle of lexical semantics is that the speaker uses the word in the context instead of the dominant in the semantic series in connection with the requirement of the speech goal and task.

**Keywords:** synonymy, synonymous series, denotative meaning, connotative meaning, semantic shade, dominant, environment.

**Кириш.** Сўзлар орасидаги мањнодошлик ҳодисаси “Ўзбек тили лексикологияси” асарида проф. А. Ҳожиев томонидан компонент таҳлил усулига асосланиб анча аниқ ва батафсил ёритилган [3]. Бу китобда мањнодош сўзларни “бир-бирига яқин мањноли сўзлар” шунингдек “бир хил ёки бир-бирига яқин тушунча ифодаловчи сўзлар” деб таърифлаш тўғри бўлмаслиги айтилади [3, 235-б.]. Чунки “икки ёки ундан ортиқ сўзниңг ўзаро синонимлигини белгилашда мањнодаги яқинлик асосга олинадиган бўлса, у холда мањноси бир-бирига жуда яқин сўзлар билан бирга, қисман бўлсада мањнода яқинлиги бор сўзлар ҳам синоним деб қаралиши керак бўлади. Масалан, кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ, тиржаймоқ, иржаймоқ, иришаймоқ, ишишаймоқ, хаҳоламоқ, ҳихиламоқ, ҳе-ҳеламоқ, қаҳқаҳламоқ, пиҳирламоқ, қиқирламоқ сўзларининг мањносида, қай даражада бўлмасин, яқинлик бор. Лекин буларнинг ҳаммаси ўзаро синоним деб бўлмайди. Буни жилмаймоқ билан пиҳирламоқ, қаҳқаҳламоқ билан қиқирламоқ сўзларини қиёслаганда ҳам аниқ сезиш мумкин” [3, 236-б.]. “Синонимларни белгилашда сўз билдирган тушунчани асосга олиш мањнони асосга олишдан бирор

афзаликка эга эмас, ҳатто, бу йўлни тўғри деб ҳам бўлмайди. Асосий далил сифатида шуни айтиш кифояки, ҳар қандай сўз тушунча ифодалайвермайди, лекин у маънога эга бўлади ва тушунча ифодаламайдиган бундай сўзлар бирор маъноси билан ўзаро синоним бўлиши мумкин. Масалан, *ҳамма, барча, бари олмошлари, балли, баракалла, қойил, тасанно, офарин, яша(нг), ўлма(нг), таҳсин, салламно* ундовлари, истак билдирувчи зора, шояд, кошки, қани (қани энди, қани эди) сўзлари ва б.” [3, 236-б.]. Шунга кўра проф. А. Ҳожиев икки ёки ундан ортиқ сўзнинг маънодошлигини белгилашда маънога асосланиш тўғри йўл эканлигини айтиб шундай деб ёзади: “Икки ёки ундан сўзни ўзаро синоним қиласидиган нарса бу сўзлар семантик структурасидаги асосий қисмнинг, яъни лексик маънонинг бир хиллиги, лексик маънони юзага келтирадиган компонентларнинг (семаларнинг) бир хил бўлишидир” [3, 237-б.]. Демак сўзлар орасидаги маънодошликтини вужудга келтирувчи омил лугавий маънонинг яқинлиги эмас, бир хиллигидир. А. Ҳожиев шу фикрга асосланиб бундай дейди: “Агар лексик маъно (семема) бир хилда бўлмаса, синонимлик ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Масалан, *қарамоқ, боқмоқ, тикилмоқ, термилмоқ, тўймоқ* сўзлари, умуман олганда, “бирор нарса ёки томонга кўз-назарни йўналтироқ, кўз ташламоқ” маъносини билдиради. Лекин *термилмоқ, тикилмоқ, тўймоқ* сўзлари умуман “қарашиб” маъносини эмас, балки кўз олмаган ҳолда бўлишни, кўз тиккан ҳолатда бўлишни билдиради. Демак, буларнинг маъносида “кўз узмаган ҳолда, кўз тиккан ҳолда” компоненти (семаси) бор. Қарамоқ, боқмоқ сўзларининг маъносида бу компонент йўқ. Демак, *қарамоқ, боқмоқ, тикилмоқ, термилмоқ, тўймоқ* сўзлари ўзаро эмас, балки *қарамоқ* билан *боқмоқ* ва *тиклимоқ, термилмоқ, тўймоқ* сўзлари ўзаро синоним бўлади” [3, 237-б.]. Сўзлар орасидаги маънодошликтининг бу талқини ҳодисанинг моҳиятини анча аниқ қўрсатиб берса-да бу қарашда эътиrozли бир нуқта бор. Маънодош сўзлар ифода семаси (коннотатив маъноси) билан фарқланади, ифода семаси эса семема таркибига киради [1, 60 – 61-б.]. Шунга кўра маънодош сўзлар лугавий маъноси (семемаси) бир хил сўзлар деб талқин қилинса уларнинг фарқли жиҳати аниқ бўлмай қолади. Бинобарин маънодош сўзларни “Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати”даги каби “денотатив маъноси бир хил, кўшимча маъно оттенкаси, услугубий бўёғи, кўлланишдаги хусусияти ва ш.к. белгилари билан фарқланадиган сўзлар” [4, 88-б.] сифатида талқин қилиш сўзлар орасидаги маънодошликтинги моҳиятини янада аниқроқ ва чукурроқ очиб беришга хизмат қилади.

**Асосий қисм.** А. Ҳожиев сўзнинг контекстда вужудга келадиган маъноси билан бошқа сўзга маънодош бўлишини маънодошликка киритмайди. Жумладан у шундай ёзади: “Лексик маъно билан контекстда реаллашадиган маъно асосида синонимлик ҳосил бўлмайди. Мисол: – *Мадамингов икки ҳафта бурун менинг акамни ўлдирди...* – *Шундай дўстим.* Энди унинг ўзини йўқ қилмасак, сени ҳам, мени ҳам ейди (П. Турсун). Мисолда *емоқ* феъли “ўлдирмоқ” маъносида кўлланган. Лекин унинг бу маъноси контекстдагина реаллашяпти, яъни бу маъно емоқ сўзининг лексик маъноси эмас. Шунга кўра, *емоқ* феъли *ўлдирмоқ* феъли билан синоним бўла олмайди” [3, 239-б.]. Сўзлар орасидаги маънодошликтини парадигматик ҳодиса сифатида ёндашилса чинданам *емоқ* ва *ўлдирмоқ* сўзлари парадигматик (лисоний) маънодош эмас. Бироқ тилшуносликда сўзларнинг контекстуал маънодошлиги ҳам эътироф этилади [4, 61-б.]. Бинобарин контекстда вужудга келадиган маъноси билан бошқа сўзга маънодош бўладиган сўзни илмий адабиётларда айтилганидек контекстуал маънодош сўз деб аташ мақсадга мувофиқ.

А. Ҳожиев лексик маънодошликтининг кўп маънолилик билан муносабатини ҳам очиб беради. Унинг ёзишича “Кўп маъноли сўзларнинг маъно миқдори ҳар хил бўлиши мумкин, яъни баъзи сўзлар икки-уч маънога, баъзи сўзлар жуда кўп маънога эга бўлади. Бундай сўзлар бошқа кўп маъноли сўз билан маълум бир маъноси ёки маъноларида синонимлик ҳосил этади. Масалан, *тоза, соф, бегубор, мусаффо* сўзларининг ҳар бири кўп маъноли. Лекин улар фақат бир маъносида – “чанг-губордан холи” деган маъносида ўзаро синонимдир” [3, 239-б.]. Тилшунос кўп маъноли сўзлар бирдан ортиқ маъносида маънодош бўлиши мумкинлигини айтиб фикрини далиллаш учун *алоҳида, айрим* кўп маъноли сўзларининг маънодошлигини мисол келтиради. Унинг фикрича бу сўзлар уч маъносида маънодош: 1) ўзига мустақил, бошқалардан холи, 2) бошқалардан фарқли ҳолда, ўзига хос, 3) бошқаларни қўшмай, ўзини мустақил ҳолда [3, 240-б.]. Олим кўп маъноли сўз бир маъноси билан маълум бир сўз ёки сўзларга, бошқа бир маъноси билан яна маълум бир сўз ёки сўзларга маънодош бўлиши мумкинлигини қайд қилиб ўз фикрини кўп маъноли *битирмоқ* феълининг маънодошлиги асосида далиллайди. Бу феълининг якунига *етказмоқ* маъносида *тугатмоқ, тугалламоқ, тамомомламоқ, қилмоқ, адом қилмоқ* феълларига, иши, вазифа ва шу кабиларни амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ маъносида *бажармоқ, адом этмоқ, ўринлатмоқ, дўндиришмоқ, ўтамоқ, бажо қилмоқ* феълларига маънодош бўлишини айтади [3, 240 – 241-б.].

А. Ҳожиев маънодошлиқ қаторига шундай таъриф беради: “Ўзаро синонимик муносабатда бўлган сўзлар (маъносида бирлик бўлган сўзлар) синонимик қаторни хосил қиласди: *ўйин, рақс; янглиш, хото, нотўғри, чатоқ, галат; галаба, зафар, тантана, музafferият ва б.*” [3, 241-б.].

А. Ҳожиев маънодош сўзлар мъновий бир хиллиқдан ташқари ўзига хос фарқларга ҳам эгалигини кўрсатиб беради. У бу хақда шундай деб ёзади: “Синонимлар семантик структурасида бир хил бўлган қисм, бирлаштирувчи лексик маънодан ташқари яна бошқа қисмлар ҳар бир синонимда ўзига хос, бошқасидагидан фарқли бўлади. Ана шу фарқлар синонимлардан ҳар бирининг тилда яшашини, тилда ҳар бирининг кўлланиш ўрнини таъминлайди” [3, 241-б.]. Олимнинг ёзишича маънодош сўзларнинг ўзаро фарқли хусусияти қўйидагилардан иборат: 1. Маъно оттенкасидаги фарқ. Ўзаро синоним бўлган сўзлардан бири қўшимча оттенкага эга бўлмаслиги, бошқаси эса қандайдир оттенкага эга бўлиши мумкин. 2. Маънодош сўзлар вакт, ҳаракат, белги, миқдор, кабиларда уларнинг ҳар бирида белгининг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. 3. Маънодош сўзлар эмоционал бўёққа бўлган муносабатига кўра ўзаро фарқланиши мумкин. Ўзаро маънодош бўлган сўзларнинг баъзилари эмоционал бўёқли бўлиши, айримлари эса эмоционал бўёққа эга бўлмаслиги мумкин. Эмоционал бўёқли маънодош сўзлар салбий ёки ижобий эмоцияни (салбий ёки ижобий муносабатни) билдиришига кўра ҳам ўзаро фарқланади: 1) ижобий эмоционал бўёқли сўзлар, 2) салбий эмоционал бўёқли сўзлар. 4. Ўзаро маънодош бўлган сўзлар маълум бир услугба бўлган муносабатига кўра ҳам бир-биридан фарқланиши мумкин. Яъни маънодош сўз услугнинг маълум бир турига оид бўлиши ёки услуг нуқтаи назаридан бетараф бўлиши мумкин. 5. Маънодош сўзлар ичida диалектал хусусиятга эга сўз бўлиши мумкин. 6. Ўзаро маънодош сўзлар кўлланиш даражасига кўра фарқланиши яъни баъзиси кенг кўлланиши, бошқаси эса кам кўлланиши мумкин. 7. Маънодош сўзлар маълум бир сўзлар билан бирика олиш ёки бирика олмаслиги, маълум эркин ёки тургун сўз бирикмаларида кўллана олиш ёки кўллана олмаслик хусусияти билан ҳам ўзаро фарқланиши мумкин [3, 241 – 244-б.]. Бир маънодошлиқ қаторидаги сўзлар кўриб ўтилган хусусиятларнинг биттаси ёки бир нечтасига кўра ўзаро фарқланиши мумкин [3, 244-б.].

А. Ҳожиев ҳар бир маънодошлиқ қаторида шу қатордаги сўзларнинг маънодошлигини белгиловчи асосий сўз мавжуд бўлишини қайд қилиб уни қўйидагича тавсифлайди: “Синонимик қатор бир неча сўздан иборат бўлишидан қатъи назар, унда бир сўз асосий, шу синонимик қаторнинг характеристини белгиловчи сўз бўлади. Бу сўз доминанта деб юритилади. Синонимик қаторнинг чегарасини белгилашда, шунингдек ундаги ҳар бир сўзнинг ўзига хос хусусиятини очища шу қатордаги доминантани (асосий сўзни) тўғри белгилаш муҳим роль ўйнайди” [3, 245-б.]. Олим доминанта қуйидаги белгиларга эга деб ҳисоблайди: 1. Доминанта синонимик қатордаги умумий (бир хил) бўлган маънони жуда аниқ ифодалайди. Доминантада синонимик қатордаги сўзларга хос умумий маъно аниқ ифодаланиши сабабли сўзларнинг ўзаро синонимлигини белгилашда (синонимик қаторнинг чегарасини белгилашда) доминанта асосга олинади, бошқа сўзлар бир-бирига қиёсланмайди, балки доминантага қиёсланади 2. Синонимик қаторда маъно ҳажми бошқаларникига нисбатан кенг бўлган сўз доминанта ҳисобланади. 3. Белгини даражада нуқтаи назаридан фарқлайдиган сўзлардан иборат синонимик қаторда белгини нормал (нейтрал) даражада ифодалайдиган сўз доминанта бўлади. 4. Доминанта услугба нисбатан нейтрал бўлади. 5. Синонимик қаторда эмоционал бўёққа нисбатан фарқланадиган сўзлар бўлганида эмоционал бўёққа нисбатан нейтрал бўлган сўз доминанта бўлади. 6. Синонимик қатор диалектал хусусиятга бўлган муносабатига кўра ўзаро фарқланадиган сўзлардан иборат бўлганида адабий тилга хос сўз доминанта бўлади [3, 245 – 246-б.]. Синонимик қатордаги асосий сўз (доминанта) кўриб ўтилган хусусиятларига кўра ўз қаторидаги бошқа сўзларга нисбатан кенг кўлланади [3, 246].

Филология факультети талабалари учун ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги [2]да сўзлар орасидаги маънодошлиқ ходисасига тизим сифатида ёндашилиб маънодош бирликлар гурухи лексик-семантик гурухлашда охирги тўдаланиш сифатида семантик микросистема деб аталади [2, 108-б.]. Ш. Раҳматуллаев маънодошлиқни А. Ҳожиев каби талқин қиласди: Тил бирликларининг айни бир маънони англатиши асосида гурухланиши *синонимия* дейилади [2, 108-б.]. Тилшунос маънодошлиқ лугавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжудлигини қайд қилиб шунга кўра маънодошлиқ икки хил бўлишини айтади: лугавий маънодошлиқ ва грамматик маънодошлиқ. Лугавий маънодошлиқни ўз навбатида уч турга ажратади: 1. Лексик синонимия – лексик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *муғамбир, айёр, қув, маккор* каби. 2. Фразеологик синонимия – фразеологик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *илоннинг ёғини ялаган, бурганинг кўзини кўрган* каби. 3. Лексик-фразеологик синонимия – лексик бирлик билан фразеологик бирликнинг ўзаро синоним бўлиши: *осонгина, хамирдан қил сугургандай* каби [2, 108-б.].

Дарсликда сўзлар орасидаги маънодошлиқка (лексик синонимияга) қуидагича таъриф берилади: Лексемаларнинг (лексосемемаларнинг) айни бир маънони англатиши асосида гурухланиши лексик синонимия дейилади. Масалан, ялқов, дангаса лексемалари ҳозирги ўзбек тилида бир лугавий маънони англатади (“ишёқмас”), шунга кўра улар ўзаро синоним [2, 108-б.]. Таърифдан сўнг маънодош сўзларнинг фарқли жиҳатига тўхталинади. Ш. Раҳматуллаевнинг фикрича маънодош сўзларнинг “айни бир маънони англатишини маънода тенг келиш деб тушуниш ярамайди. Ҳар бир синоним, ушбу синонимия қатори учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин. Синонимлар бир-биридан англатган маъно қиррасига кўра, услугубий баҳосига кўра, нутқий хосланиш белгисига кўра (бир ёки бир неча жиҳатдан) фарқ қиласиди” [2, 109-б.]. Кўринадики олим маънодош сўзлар уч жиҳатдан фарқланади деб ҳисоблайди. Дарсликда маъно қирраси жиҳатидан фарқланадиган сўзлар идеографик синонимлар деб аталади. Мисол тариқасида жумладан йиғмоқ ва тўпламоқ сўзлари келтирилиб уларнинг фарқи қуидагича изоҳланади: “йиғмоқ ҳам, тўпламоқ ҳам айни бир маънони – “бир жойга жамламоқ”ни англатади, лекин тўпламоқ оддий жамлашни эмас, балки уйиб туриб жамлашни англатади, йиғмоқ феълининг маъносида эса бундай қирра йўқ” [2, 110-б.]. Олим услугубий баҳо жиҳатдан фарқланувчи маънодош сўзларни услугубий синонимлар деб атайди. Унинг ёзишича: “Ҳар бир синонимия қатори одатда: а) услугубий баҳо семаси бетараф лексик бирликни ва б) услугубий баҳо семаси бетараф бўлмаган лексик бирликни ўз ичига олади. Масалан, *юз, афт, башара, чехра* синонимия қаторида *юз* лексемаси бетараф, қолганларида эса қолганларида услугубий баҳо бўртиб туради. Синонимларда услугубий баҳо икки хил бўлади: 1) ижобий: *жилмаймоқ, табассум қилмоқ* лексемаларидағи каби; 2) салбий: *афт, башара, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишишаймоқ* лексемаларидағи каби” [2, 110-б.]. Кўринадики Ш. Раҳматуллаев томонидан қўлланган услугубий баҳо термини мазмунан А. Ҳожиев ишлатган эмоционал бўёқ терминига тўғри келади. Бизнингча эмоционал бўёқ термини бу ҳодисанинг моҳиятини аникроқ акс эттиради чунки маънодош сўзлардаги бу қўшимча маъно сўзнинг услугуга муносабатини эмас, сўзловчининг ҳиссий муносабатини ифодалайди.

Ш. Раҳматуллаев нутқий хосланиш белгиси жиҳатидан фарқланувчи сўзларни нутқий синонимлар деб атайди. У нутқий маънодош сўзларни қуидагича изоҳлайди: “Масалан, *юз, бет, афт, башара, чехра* синонимларидан юз лексемасининг ишлатилиши нутқ қўринишлари бўйича чегараланмаган, *бет, афт, башара* лексемалари асосан сўзлашув нутқида, *чехра* лексемаси асосан бадиий нутқда ишлатилади” [2, 112-б.]. Кўринадики олим нутқий синонимлар деганда маълум нутқ услугуга хосланган маънодош сўзларни назарда тутган. Шунга кўра бундай маънодош сўзларга нисбатан услугубий синонимлар терминини қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ш. Раҳматуллаев маънодош сўзларнинг маъно қирраси, услугубий баҳо ва нутқий хосланишига асосланиб маънодошлиқ қаторидаги доминантага таъриф беради: “Доминанта деб, одатда, лексик мундарижаси барча синонимлари учун умумий, услугубий баҳоси бетараф, умумнутққа хосланган бирлик танланади. Масалан, *юз, бет, афт, башара, чехра* синонимия қаторида *юз* лексемаси доминанта” [2, 112-б.]. Олим доминантани белгилаб олиш маънодош сўзлар лугатини тузища катта аҳамиятга эгалигини, чунки маънодошлиқ қатори лугатдан шу доминанта асосида жой олиши ҳамда маънодошлиқ қатори англатган маъно шу доминанта асосида таърифланишини ёзади.

Ҳ. Нематов ва Р. Расулов томонидан ёзилган “Ўзбек тили систем лексикологияси” қўлланмасида лексема семемаси аташ (денотатив), ифода (коннотатив) ва вазифа (функционал) семаларидан иборат деб қаралади [1, 58 – 63-б.]. “Ифода семалари деганда семема таркибидаги аташ семасидан ташқари турли қўшимча маъноларни (услубий бўёқни, шахсий муносабатни, қўлланиш доирасини) англатувчи семалар тушунилади” [1, 60-б.]. Аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семасига кўра фарқланадиган сўзлар орасида маънодошлиқ муносабати мавжуд деб қаралади (нарвон – шоти; дийдор – жамол – чехра – юз – бет – афт – башара – турқ каби сўзлар қатори мисолида) [1, 89 – 91-б.]. Муаллифларнинг фикрича сўзлар (лексемалар) орасидаги маънодошлиқнинг икки тури мавжуд: 1) “маънодошлиқнинг барча тилшунослар томонидан шак-шубҳасиз ажратиладиган тури – семемаси таркибидаги аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семалари эса ҳар хил бўлган лексемалар” (юз – бет – афт – башара – турқ қатори каби) [1, 105-б.] , 2) “нарса-буюм, белги, ҳаракат-холатни турлича даражалаб ифодаловчи [нинни] – [чакалок] – [гўдак] – [бола] ... каби лексемалар гурухи” [1, 108-б.]. Иккинчи турдаги маъновий муносабатни муаллифлар мазмуний даражаланиш (градуонимия) муносабати деб атайди ва бу икки тур маъновий муносабатнинг фарқини қуидагича изоҳлайди: Асосий фарқ шундаки, маънодошлиқ қаторидаги лексемаларнинг аташ семалари бир хил, бир турдаги нарса-буюм, белги-хусусият, ҳаракат-холатни англатади. Даражаланиш қаторида эса умумий аташ семалари бир хил, лекин улар маълум бир семанинг турли даражаларини ифодалайди. Масалан, [нинни] – [чакалок] – [гўдак] қаторида “ёшнинг миқдори” семаси даражаланади.

Маънодошлик ва даражаланиш қаторлари орасидаги иккинчи фарқ шундаки, маънодошлик қаторидаги лексемалар ўзаро ифода семалари билан фарқланади. Даражаланиш қаторида эса бу шарт эмас [1, 108-б.]. Айни пайтда муаллифлар даражаланиш сўзлар орасидаги маъновий муносабатнинг маънодошлиқдан бошқа тури сифатида қаралиши ҳам мумкинлигини айтиб қўйидагича хулоса чиқаради: Албатта, даражаланиш қаторлари маънодошлиқнинг бир тури сифатида қараладими ёки ЛМГ<sup>5</sup> ларнинг бир тури сифатида ўрганиладими, бу алоҳида тадқик килинадиган масаладир [1, 110-б.].

Кўлланма муаллифлари маънодошлиқнинг биринчи тури ҳақида сўз юритганда “Маънодошлик муносабатларини тўлиқ ва атрофлича тадқик қилиш ўзбек тили лексемалари семесаси таркибидаги ифода семалари (ингерент коннотация семаларини) ўрганиш имкониятини туғдирадиган муҳим омилдир” деб ёзади [1, 106-б.]. Бундай семалар қаторидан жумладан қўйидагилар ўрин олади: 1) ижобий ёки салбий баҳо ёки муносабат семалари; 2) лексеманинг қўлланиш доирасини белгиловчи семалар (“сўзлашув нутқига хос”, “китобийлик”, “кўтаринкилик”, “ғайриоддийлик”, “назмга хослик”, “маълум бир тоифа нутқига хослик (арго, жаргон)”, “шевага хослик” ва б.); 3) лексеманинг даврга муносабатини ифодаловчи семалар (“эскирганлик”, “янгилик”, “ўта замонавийлик” ва ҳ. к.) [1, 106-б.]. Демак маънодошлик қаторидаги сўзлар турли-туман ифода семалари билан фарқланади.

Кўлланмада маънодошлик қаторидаги доминантага қўйидагича тавсиф берилади: Маънодошлик қаторларининг умумий хусусиятларидан дикқатга сазовори шуки, бу қаторлар, албатта, битта бош лексема (доминанта) атрофида бирлашади. Бош лексеманинг хусусияти шундаки, бу лексеманинг семесаси таркибидаги ифода семалари маънодошлик қаторида белгиланган, ойдинлаштирилган ифода семаларига нисбатан бефарқ (нейтрал) бўлади [1, 106-б.]. Доминантанинг муҳим белгилари сифатида қўйидагилар кўрсатилади: 1) бош лексеманинг мазмуни қатордаги барча бошқа лексемаларга нисбатан камбағалроқ бўлади; 2) бош лексеманинг қўлланиш доираси ва микдори қатордаги бошқа лексемаларга нисбатан кенг ва кўп бўлади; 3) бош лексема нутқ шароити талаби билан истаган вактда ўз маъно гуруҳидаги барча сўзни алмаштира олади; 4) бош лексема муайян қўшимча воситалар билан ўз қаторидаги лексемаларнинг қўшимча ифода семаларини англата олади; 5) маънодошлиқка нисбатан каттароқ бўлган лексик парадигмага – лексемаларнинг мазмун гурухига шу маънодошлик қаторидаги бош лексемагина киради [1, 107-б.].

Кўлланмада луғавий бирликлар (лексемалар)дан ташкил топадиган маънодошлик қаторлари ҳамиша очиқ бўлиши айтилади. “Яъни маънодошлик қаторлари биринчидан, давр тақозоси, нутқ, жамият талаби асосида тўлдирилиб бориши мумкин. Иккинчидан, маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ бирликлари, фразеологик иборалар, мустақил лексема семемаларининг турлари, ясама сўзлар, сўз бирикмалари, сўзларнинг нутқий кўчма маънолари билан боғланиб, ўз қаторини нутқий маънодошлик (контекстуал синонимия) воситалари билан кенгайтириб боради” [1, 107 – 108-б.].

Айтилганлардан кўринадики лексик маънодошлик ҳодисаси ўзбек тилшуносликда анча чуқур ўрганилган. Бироқ анъанавий тилшуносликда ҳам систем тилшуносликда ҳам маънодошлик қаторидаги сўзлар орасидаги маъновий муносабат аниқ очиб берилмаган. Яъни иккала йўналишда ҳам маънодошлик қаторидаги барча сўз (лексема) бир-бирига маънодош деб қаралади. Аслида маънодошлик қаторидаги барча сўз бир-бирига маънодош эмас, балки маънодошлик қуршовини ҳосил қилувчи ҳар бир сўз доминантага маънодошdir. Масалан *юз – чехра – башара* сўзларини олиб кўрсан *чехра* ва *башара* сўзларини маънодош деб бўлмайди чунки бу сўзлар нутқда бир-бирини алмаштира олмайди. Мисол учун *Чехрасидан нур ёғилади* гапида *чехра* сўзининг ўрнига *башара* сўзини қўллаб бўлмайди. Ёки аксинча *Башарасига қарагим келмади* гапида *башара* сўзининг ўрнига *чехра* сўзини ишлатиб бўлмайди. Бошқа бир маънодошлик қаторини олиб кўрсан: *одам – киши – инсон – кимса – башар*. Бу қатордаги *киши*, *инсон*, *кимса*, *башар* сўзларини ўзаро маънодош деб бўлмайди. Масалан қўйидаги гапда инсон сўзини *киши*, *кимса*, *башар* сўзларидан бири билан алмаштириб бўлмайди: *Инсон – бу дунёнинг азизу мукаррам хилқати, мавжудотлар ичida сарваридир*. Чунки *инсон* сўзида ижобий кўтаринкилик маъносига бўлиб *киши*, *кимса* сўзларига бу қўшимча маъно ўйқ, *башар* сўзи поэтик услугга хос” [5, 154-б.]. Демак маънодошлик қаторидаги маънодошлиқнинг хусусияти қўйидагича: маънодошлик қуршовини ҳосил қилувчи сўзларнинг ҳар бири доминантага маънодош бўлиб сўзловчи нутқий максаду вазифа талаби билан доминантанинг ўрнига қуршовдаги бирор сўзни танлаб ишлатади. Сўзловчи доминанта ифодалаган тушунчани ижобий бўёқ билан ўғириб ифодалашни истаса қуршовдаги ижобий бўёқли сўзни, салбий бўёқ билан ифодалашни истаса салбий бўёқли сўзни, бадиийлик бўёғини ифодаламоқчи бўлса бадиий бўёқли сўзни (масалан *осмон* сўзи ўрнига само сўзини) қўллайди. Сўзловчи доминанта билдириган

<sup>5</sup> Луғавий маъно гурухи.

тушунчани қўшимча бўёқсиз ифодаламоқчи бўлса доминантанинг ўзини қўллади. Шу ўринда X. Неъматов ва Р. Расуловнинг “бош лексема нутқ шароити талаби билан истаган вақтда ўз маъно гуруҳидаги барча сўзни алмаштира олади” деган фикрига муносабат билдириш лозим. Маънодошликтининг моҳияти бош лексеманинг ўз маъно гуруҳидаги барча сўзларни алмаштира олишида эмас, аксинча бошқа лексемалар (куршов ҳосил қилувчи лексемалар)нинг бош лексемани алмаштиришидадир. Масалан *Юзи қурсин* гапида сўзловчи *башара* сўзи ўрнига *юз* сўзини қўллаган дея олмаймиз. Бу гапда *юз* сўзи *қуримоқ* сўзи таъсирида салбий бўёқ касб этган. *Башараси қурсин* гапида эса *юз* сўзи ўрнига *башара* сўзи қўлланган деймиз. Чунки бу контекст *башара* сўзининг маъносига мос.

**Хулоса** қилиб айтганда, лугавий маънодошлиқ қаторидаги барча сўз ўзаро маънодош эмас, балки маънодошлиқ куршовини ҳосил қиласидиган ҳар бир сўз доминантага маънодош. Сўзловчи нутқий мақсаду вазифа талаби билан доминантанинг ўрнига куршовдаги бирор сўзни танлаб ишлатади. Сўзловчи доминанта билдирган тушунчани қўшимча бўёқсиз ифодаламоқчи бўлса доминантанинг ўзини қўллади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Неъматов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари (олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма). – Тошкент, Ўқитувчи, 1995.
2. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари филология факультетлари учун дарслик. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
3. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент, Фан, 1981. 315 б.
4. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашириёти. 2002.
5. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. – Тошкент, Ўқитувчи, 1974.